

ИСЛОМОВ Зоҳиджон Маҳмудович,

*Ўзбекистон халқаро ислом академияси
проректори, филология фанлари
доктори, профессор*

ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИ ЙИЛЛАРИДА ТАСАВВУФ ТАЪЛИМОТИГА ОИД ТАДҚИҚОТЛАР ТАҲЛИЛИ

АНАЛИЗ ИССЛЕДОВАНИЙ ПО СУФИЗМУ В ГОДЫ НЕЗАВИСИМОСТИ УЗБЕКИСТАНА

ANALYSIS OF RESEARCHES ON SUFISM IN THE YEARS OF INDEPENDENCE OF UZBEKISTAN

Аннотация. Мустақиллик диний-маърифий соҳа хусусан, исломишунослик мутахассислиги йўналишида ҳам катта ўзгариш ва ривожланиш учун кенг имконият яратиб берди. Маълумки, тасаввуф илми исломишуносликнинг асосий тармоқларидан саналади. Бу соҳада тасаввуф тарихи, мазмун моҳияти, тариқатлар ва уларнинг ривожи, ўзига хослиги, жамият ҳаётида тутган ўрнига бағишланган қатор илмий тадқиқотлар яратилди.

Таянч иборалар: диний-маърифий соҳа, исломишунослик, тасаввуф, тариқат, пир, суфий, нақшбандийлик.

Аннотация. Независимость дала мощный импульс развитию исламоведческих исследований, в том числе в области суфизма. За годы независимости был сформирован солидный корпус научных работ, охватывающих различные аспекты суфизма: историю, доктрину, организационную структуру и социальную функцию. Ученые исследовали различные суфийские ордена, их взаимоотношения с государством и обществом, а также влияние суфизма на культуру и повседневную жизнь населения.

Ключевые слова: религиозно-просветительская сфера, исламоведение, суфизм, тариқат, пир, суфи, нақшбандия.

Abstract. Independence provided opportunities for growth in the fields of religious education and Islamic Studies. Sufism, a central branch of Islamic Studies, has been the subject of extensive research. Numerous studies have explored the history of Sufism, its core tenets, the development of various tariqats (spiritual orders), its distinctive characteristics, and its societal role.

Keywords: religious and educational field, Islamic Studies, Sufism, tariqat, pir, sufi, Naqshbandiya.

КИРИШ

Қадимий шонли тарих ва маданиятга эга Марказий Осиё ҳудуди дунё халқлари, мамлакатлари ичида алоҳида ўрин тутди. Бу замин азал-азалдан ўз ҳудудида дунёга келиб инсоният тамаддунига улкан ҳисса қўшган алломалар, улар томонидан яратилган кашфиётлар, асарлар танилган. Ўзбекистон мустақиллигининг эълон қилиниши айнан шу соҳа хусусан, диний- маърифий соҳада катта ислохотларнинг амалга оширилишига имкониятлар очиб берди. Фаолият натижаси сифатида олий таълим тизими бакалавриятида диншунослик, исломшунослик йўналишлари, магистратурада диншунослик, исломшунослик жумладан, қуръоншунослик, ҳадисшунослик, ислом ҳукуқи, ислом ақидаси, ислом цивилизацияси каби мутахассисликлари очилди.

АСОСИЙ ҚИСМ

Ушбу жараённинг узвий давоми сифатида олий ўқув юртидан кейинги таълим босқичида 24.00.00 рақами билан исломшунослик ихтисослиги ўзининг “Ислом тарихи ва манбашунослиги”, “Қуръоншунослик. Ҳадисшунослик”, “Фикҳ, калом илми. Илоҳиёт”, “Мумтоз шарқ адабиёти ва манбашунослиги” ихтисосликлари бўйича докторантура фаолиятини бошлади. Исламшуносликнинг мавжуд кенг тармоқли

соҳалари таркибида тасаввуф илмига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Тасаввуф мутахассислиги паспортида диний мистицизм ва турли конфессиялардаги мистик-фалсафий тизимлар ўрни, тасаввуф, унинг пайдо бўлиш сабаблари, ўхшаш ва фарқли жиҳатлари, Ўрта Осиё халқлари ҳаётида тасаввуф тариқатларининг ўрни, тасаввуф анъаналарини тизимлаштириш, суфийлар биродарлиги, тасаввуф назариётчиларининг ҳаёти, ижоди, асарлари ва қарашларини ўрганиш асосий йўналишлар сифатида белгиланган.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда амалга оширилган тасаввуф илмига бағишланган тадқиқотлар тасаввуф таълимотининг тарихий-фалсафий моҳияти, тасаввуф назарияси ва амалиёти, Марказий Осиёда шаклланган нақшбандия, нақшбандия-муҷаддида, кубравия, яссавия, қаландария тариқатлари, машхур мутасаввифлар ҳаёти, илмий мероси, тасаввуф тариқати тарихидаги ўрни, тасаввуф тариқатларининг ҷамият ва инсон ҳаётидаги ўрни масалаларини ўрганишга қаратилган. Ўзбекистонда зиёрат туризмини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар тасаввуф илмига бўлган қизиқишни янада жадаллаштирди.

Нақшбандия тариқатига бағишланган тадқиқотлар илмий аҳамияти билан ажралиб туради. Тасаввуф тарихига бағишланган тадқиқотларнинг алоҳида қисми “Етти пир” мавзусига бағишланган. Олима Л.Асророва томонидан ёзилган “Тариқатнинг етти пири” монографияси бу борада сўнгги тадқиқотлардан саналади. Унда нақшбандийлик тариқати, нақшбандиянинг 11 рашҳа – қонун-қоида, йўл-йўриқлари, нақшбандийлик силсиласидаги 7 пир ҳақида жумладан, уларнинг ҳаёти, маънавий мероси – ўғитлари, панд-насиҳатлари, асарларидан таржималар келтирилган. Нақшбандийлик таълимотига бағишланган “Тариқатнинг етти пири” монографиясидан тариқатнинг машхур пирлари – Хожа Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Хожа Муҳаммад Ориф Ревгарий, Хожа

Маҳмуд Анжир Фағнавий, Хожа Али Ромитоний, Хожа Муҳаммад Бобои Самосий, Хожа Саййид Амир кулол, Хожа Баҳоуддин Нақшбандларнинг ибратли ҳаёт йўллари, илмий мероси, тасаввуф тарихидаги ўрни, насиҳатлари ва ёшлар тарбиясидаги замонавий аҳамияти ўрин олган [2: 258].

Маълумки, нақшбандия тариқати турли даврлар ва минтақаларда ўзига хос ривожланиш тарихига эга. “XVIII-XIX асрларда Марказий Осиёда нақшбандия-муҷаддида тариқати” мавзусидаги тадқиқотда Марказий Осиёда нақшбандия-муҷаддида тариқати ва унинг ёйилиши жараёнлари, нақшбандия тариқатига оид ёзма манбалар қўламини аниқлаш ва илмий муомалага киритиш, тариқат намояндалари билан боғлиқ турли объектларни ўрганиш, тариқат пирлари ҳамда муридлари силсила занжири ва насаб жиҳатдан боғланишини аниқлаш масалалари таҳлил қилинган ва назарий хулосалар келтирилган [1:45].

Тасаввуф тариқатлари тарихига бағишланган “Марказий Осиёда қаландарийлик тариқатининг ўзига хос жиҳатлари” тадқиқоти сўнгги йилларда амалга оширилган изланишлардан саналади. Ушбу тадқиқотда Марказий Осиёда қаландарийлик тариқатининг вужудга келиш омиллари, қаландарийлик тариқати йўналишларининг хусусиятлари, маломатийлик ғояларининг қаландарийлик тариқатига кўрсатган таъсири, Марказий Осиё адиблари асарларида қаландар тимсолининг ёритилиши, “Қаландарнома” қўлёзмалари – қаландарийларнинг қарашлари, амалий фаолиятларини ўрганишда муҳим манба эканлиги, жаҳид намояндалари даврий матбуотида Марказий Осиё қаландарийларига бўлган муносабат масалалари ёритилган. Бу масалалар мавзуга доир фондлардаги нодир қўлёзма манбалар, Ўзбекистон Миллий архив ҳужжатлари асосида таҳлил қилинган.

“Ваҳдат ул-вужуд фалсафаси ва унинг нақшбандия таълимотига таъсири” мавзусидаги тадқиқот ишига Ибну-л-Арабий, Муҳаммад Порсо, Хожа Аҳрор Валий ва

Абдурахмон Жомийларнинг фалсафий мероси асос қилиб олинган. Тадқиқотда шарқ мутафаккирларининг “Ваҳдату-л-вужуд” – “Борлиқнинг бирлиги” фалсафаси моҳиятининг борлиқ ҳақидаги замонавий билимлар билан мутаносиблиги, ваҳдату-л-вужуд фалсафасининг ислом диний-фалсафий таълимотлари шаклланишидаги ўрни ва унинг аҳоли дунёқарашида эътиқод манбаи сифатида амал қилиши, Ибн Арабий ваҳдату-л-вужуд фалсафасининг Нақшбандия таълимотига таъсири, Хожа Муҳаммад Порсо, Хожа Аҳрор Валий ва Мавлоно Абдурахмон Жомийнинг ваҳдат ул-вужуд фалсафасини Нақшбандия тариқати билан мутаносиблиги таҳлил қилинган.

“Аҳмад Сирҳиндий “Мактубот” асарининг нақшбандия-муҷаддиия тариқати шаклланишидаги аҳамияти” мавзусидаги тадқиқотда [4:46] нақшбандия-муҷаддиия тариқати шаклланишининг назарий асослари ва тарихий хусусиятлари – Аҳмад Сирҳиндий илмий фаолияти ҳамда тасаввуфий қарашларига таъсир қилган тарихий-маданий, ижтимоий омиллар, “Мактубот” асарининг таркибий таҳлили, Аҳмад Сирҳиндийнинг марказий осийлик тасаввуф шайхларига йўллаган мактублари таҳлили, нақшбандия-муҷаддиия ривожига ҳисса қўшган тариқат шайхларининг фаолияти, “Мактубот” асарининг нақшбандия-муҷаддиия тариқатининг назарий асосларини шаклланишидаги аҳамияти, асарда келтирилган тариқат амалиётига доир масалалар, ҳозирги кундаги тасаввуфга оид замонавий муаммолар ечимида “Мактубот” асаридан фойдаланиш масалалари кенг ёритилган. Умуман олганда Аҳмад Сирҳиндий тасаввуфий қарашларининг нақшбандия-муҷаддиия тармоғи шаклланишидаги ўрни ва аҳамияти кенг қамровли тадқиқ этилган.

Тасаввуф таълимотидаги валийлик тушунчасининг асосий мазмун моҳияти классик манбаларда кенг изоҳланган. Ўзбек мумтоз адабиёти намояндаларининг

асарларида ҳам уларнинг тасаввуфий қарашлари, йўллари ҳақидаги маълумотларни топиш мумкин. Шу нуқтаи назардан айнан мумтоз адабиёт вакиллари меросидаги тасаввуфий оҳанглар алоҳида тадқиқот мавзусига айланган. Жумладан, Алишер Навоий лирик меросидаги тасаввуфий масалаларнинг бадиий талқини алоҳида аҳамият касб этади. Алишер Навоийнинг «Насойиму-л-муҳаббат» асари асосида яратилган “Тасаввуф таълимотида валийлик тушунчасининг диний-фалсафий талқини” мавзусидаги тадқиқотда бу масалаларга урғу берилган [3:46]. Унда валийликнинг пайдо бўлиши, нубувват ва валоят, валий инсон сифатларини диний-фалсафий жиҳатдан ўрганиш, набийлик ҳамда валийликдаги ўхшашлик ва фарқлар, асарда зикр қилинган шайхларнинг суфийлик ва орифлик ҳақидаги қарашлари, мақомотнинг руҳий-маънавий камолот босқичлари, валийлик белгилари ва даражалари, валийларнинг оламни билишга доир қарашлари, уларнинг ақлий ва ғайбий билиш усуллари, ҳақиқатнинг тасаввуфий талқини, шайхларнинг силсиласи ҳақида маълумот, шайхлар ва аёл авлиёларнинг тасаввуфий маслаги масалалари ёритилган.

Тасаввуф таълимоти манбаларива уларнинг манбашунослик, матншунослик таҳлилига бағишланган сўнгги илмий тадқиқотлардан бири сифатида Б.Умурзоқовнинг «Алий Сафий Ҳиравийнинг «Рашаҳот» асари: матн тарихи, таржималари, манбашунослик ва герменевтик тадқиқи» мавзусидаги фан доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертациясини келтириш мумкин [6:65]. Мазкур диссертация Алий Сафий Кошифий Ҳиравий адабий меросини ўрганишнинг методологик асослари, «Рашаҳот» асарининг матншунослик ва манбашунослик тадқиқи, таржималари қўлёзмалари ва герменевтикаси таҳлилига бағишланган. Тадқиқотда Хожагон тариқати манбаларининг илмий-маърифий асар сифатида шарқ мумтоз адабиётидаги аҳамияти, Алий Сафий Ҳиравий илмий-

адабий мероси манбаларининг таҳлили, янги топишган асарлари тавсифи, «Рашаҳот» асари матн тарихи тадқиқи, асарнинг хориж фондларидан янги аниқланган қўлёзмалари, йиғма-қиёсий матни, асардаги бадий маҳорат масалалари, бадий санъатлар таҳлили амалга оширилган.

Мустақиллик йилларида “Мавлоно Абдурахмон Жомийнинг тасаввуфий-ирфоний қарашлари”, “ал-Ҳаким ат-Термизийнинг «Наводир ал-усул» асари ҳадис ва тасаввуф илмига оид муҳим манба”, “Рушдий “Тазкирату-л-авлиё” асари матнларининг шарқ агиографик манбаларини ўрганишдаги аҳамияти”, “Тасаввуф таълимотининг тарихий-фалсафий моҳияти” мавзуларидаги тасаввуф тарихи, тариқат ва улар билан боғлиқ масалаларга бағишланган муҳим илмий тадқиқотлар амалга оширилган. Шунингдек, тасаввуф манбалари таржимаси ва тадқиқига оид “Хожагон-нақшбандия. Асослар ва рашҳалар”, “Тасаввуф ва Нақшбандийлик (манбалар ва ҳикматлар)”, “Мақомати Хожа Абдуҳолиқ Гиждувоний ва Хожа Ориф Ревгарий”, “Хожа Абдуҳолиқ Гиждувоний. Мақомати Юсуф Ҳамадоний. Васиятнома”, “Хожа Юсуф Ҳамадоний. Ҳаёт мезони. Одоб тариқати. Коинот ва инсон ҳақида”, “Хожагон-Нақшбандия тариқати вақф ҳужжатлари”, Хожа Муҳаммад Порсо “Рисолаи қудсия”, Мавлоно Яқуб Чархий “Рисолаи унсия” номли монография ва китоблар chop этилган.

ХУЛОСА

Маълумки, жаҳон мамлакатларида турли суфийлик тариқатлари тарқалган ва ҳозирда ҳам мавжуд. Суфийлик тариқатларининг дунё халқлари орасида кенг тарқалган ва маънавий аҳамиятга молик ҳақимийлик, яссавийлик, кубравийлик, нақшбандийлик каби йўналишларининг тарихи, таълимоти, манбалари, ижтимоий масалалар билан боғлиқ жиҳатларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар:

1. Амонов М. XVIII-XIX асрларда Марказий Осиёда нақшбандия-муҷаддиия тариқати. Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Тошкент, 2021. – 45 б.
2. Асророва Л. Тариқатнинг етти пири. – Тошкент: Тафаккур, 2021. – 258 б.
3. Исақова З. Тасаввуф таълимотида валийлик тушунчасининг диний -фалсафий талқини. Фалсафа ф.н. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2007. – 46 б.
4. Мирзаева Ф. Аҳмад Сирҳиндий “Мактубот” асарининг нақшбандия-муҷаддиия тариқати шаклланишидаги аҳамияти. Тарих ф.б. фалсафа доктори (PhD) ... дисс. автореф. – Тошкент, 2022. – 46 б.
5. Туйчиева Н. Марказий Осиёда қаландарийлик тариқатининг ўзига хос жиҳатлари. Тарих ф.б. фалсафа доктори (PhD) ... дисс. автореф. – Тошкент, 2021. – 48 б.
6. Умрзоқов Б. Алий Сафий Ҳиравийнинг «Рашаҳот» асари: матн тарихи, таржималари, манбашунослик ва герменевтик тадқиқи. Филология ф.д. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2023. – 65 б.